

Andijon viloyati, Andijon shahar  
DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI  
tomonidan 2023 yil 21.07.2023  
2041051 - sonli tartib qagam biman

**QAYTA RO'YXATDAN OTKASILDI**



«Andijon biokimyo zavodi» AJ  
aksiyadorlarining 2023 yil 23 iyundagi  
naybatdagi umumiy yig'ilishida



**T A S D I Q L A N G A N**

## **«ANDIJON BIOKIMYO ZAVODI» aksiyadorlik jamiyatি**

### **U S T A V I**

**(YANGI TAHRIR)**

**Andijon shahri – 2023 yil.**

## МУНДАРИЖА

<b>I.</b> Умумий қоидалар . . . . .	3
<b>II.</b> Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили, юридик мақоми . . . . .	3
<b>III.</b> Жамият фаолиятининг мақсади ва соҳаси (асосий йўналишлари). Кўшимча фаолият турлари . . . . .	4
<b>IV.</b> Устав фонди . . . . .	5
<b>V.</b> Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар . . . . .	6
5.1. Акциялар . . . . .	6
5.2. Акциялар жойлаштириш . . . . .	7
5.3. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда акцияларни имтиёзли олиш хуқуки . . . . .	8
5.4. Жойлаштирилган акцияларни Жамият томонидан олиш . . . . .	9
<b>VI.</b> Акциядорларининг хуқуқ ва мажбуриятлари . . . . .	10
<b>VII.</b> Даромадни (фойда)ни тақсимлаш, дивидендларни тўлаш ва зарарни қоплаш . . . . .	11
<b>VIII.</b> Захира ва бошқа фондлар . . . . .	13
<b>IX.</b> Жамиятни бошқариш ва Жамият фаолиятини назорат қилиш . . . . .	13
9.1. Акциядорларининг Умумий йигилиши . . . . .	14
9.2. Кузатув кенгаши . . . . .	19
9.3. Бошқарув . . . . .	26
9.4. Миноритар акциядорлар қўмитаси . . . . .	30
9.5. Ички аудит хизмати . . . . .	31
9.6. Аудиторлик ташкилоти . . . . .	32
9.7. Корпоратив котиб . . . . .	32
<b>X.</b> Ҳисоб ва ҳисобот . . . . .	32
<b>XI.</b> Хужжатларни саклаш . . . . .	33
<b>XII.</b> Акциядорларга жамият хужжатларидан фойдаланиш имкониятини бериш . . . . .	33
<b>XIII.</b> Жамият ва Жамиятнинг аффилланган шахслари тўғрисидаги ахборот . . . . .	34
<b>XIV.</b> Жамият томонидан йирик битимлар тузиш . . . . .	34
<b>XV.</b> Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш . . . . .	35
<b>XVI.</b> Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш . . . . .	35
<b>XVII.</b> Якуний қоидалар . . . . .	35

## I. Умумий қоидалар

1.1. «Andijon biokimyo zavodi» aksiyadorlik jamiyati (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) мазкур Устави Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6-майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини химоя қилиш тўғрисида» Конуни (бундан буён матнда Конун деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси 2015 йил 3 июндаги ЎРҚ-387 билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (янги таҳрири) Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 марта 166-сон қарори, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йигилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси” (бундан буён матнда Кодекс деб юритилади), 2018 йил 20 апрелдаги 15-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув қоидалари” (бундан буён матнда Қоида деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 декабрдаги 581-ф сонли Фармойишига, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитасининг 2007 йил 24 июлдаги 23к-ПО сонли буйругига ва Жамият таъсисчиларининг 2007 йил 26 июня үtkазилган таъсис йигилиши қарорига асосан ташкил этилган.

## II. Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили, юридик мақоми

2.1. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

давлат тилида лотин алифбосида:

тўлиқ номи – «Andijon biokimyo zavodi» aksiyadorlik jamiyati;  
қисқартирилган номи – «Andijon biokimyo zavodi» AJ;

давлат тилида кирилл алифбосида: тўлиқ номи – «Андижон биокимё заводи»  
акциядорлик жамияти;

қисқартирилган номи – «Андижон биокимё заводи» АЖ;

рус тилида: тўлиқ номи – Акционерное общество «Андижон биокимё заводи»;

қисқартирилган номи – АО «Андижон биокимё заводи»;

инглиз тилида: тўлиқ номи – Joint-stock company «Andijon biokimyo zavodi»;

қисқартирилган номи – JSC «Andijon biokimyo zavodi».

Жамият ўз фирмасининг номидан фойдаланиш мутлақ хукуқига эгадир.

2.2. Жамиятининг жойлашган ери ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 170119, Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 12-уи.

Электрон почта манзили: [andbiokim@bk.ru](mailto:andbiokim@bk.ru)

Веб-сайти: [andbiochemical.uz](http://andbiochemical.uz)

Жамият ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан үtkазувчи органларни ёзма

билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

2.3. Жамият чекланмаган муддатга ташкил қилинган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс макомига эга бўлди.

2.4. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг Устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.5. Жамият ўз фаолияти натижасида олинган ва харид қилинган акцияларни сотиб олиш ҳисобига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа асосларга кўра берилган мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланади.

2.6. Молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида Жамият амалдаги қонунчиликка мувофиқ барча турдаги шартномавий муносабатларни амалга оширишга ҳақли.

2.7. Жамият қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турлари билан шугулланишга, бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, филиаллар тузиш ва ваколатхоналар очишга, уюшма ва ассоциацияларга киришга ҳақлидир.

2.8. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

2.9. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик мумомласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.10. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банқда ҳисоб ва рақлар очишга ҳақлидир.

2.11. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан бөглиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

### **III. Жамият фаолиятининг мақсади ва соҳаси (асосий йўналишлари). Кўшимча фаолият турлари**

3.1. Жамият фаолиятининг мақсади ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш ва фойда олишdir.

3.2. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) қўйидагилардан иборат: озукавий этил спирти ишлаб чиқариш, реализация қилиш;

озукавий этил спиртининг сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва ишлаб чиқаришга йўналтириш.

3.3. Жамият ўзининг юқоридаги асосий йўналишларини бажариш билан биргаликда қўйидаги фаолиятлар билан кўшимча равища шугулланиш мумкин:

кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек четга экспорт қилиш;

кондитер ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

халқ истеъмоли моллари, хусусан спорт анжомлари, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси воситалари (маҳсус кийим бош, кўлқоп) ишлаб чиқариш ва сотиш;

фирма дўйонлари ташкил этиш;

умумий овқатланиш хизмати кўрсатиш;

мехмонхона хизмати кўрсатиш;

яхна ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

фармацевтик, парфюмерия косметика буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва реализация қилиш;

ички ва ташки бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;

инвестиция, ташки иқтисодий, илмий проектлаш, воситачилик, қурилиш монтаж ишлари, сервис хизмати кўрсатиш;

янги технологияларни, НОУ-ХАУларни ишлаб чиқиш, жорий этиш;

хорижий мамлакатларда савдо уйлари очиш;

ташки иқтисодий фаолият, экспорт ва импорт операциялари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига асосланган ҳолда амалга ошириш;

қонунчиликда таъкиқланмаган бошқа фаолиятлар билан шугулланиш.

3.4. Маҳсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиласидиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

3.5. Давлат иштирокидаги корхона ва устав капиталида унинг улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахс томонидан:

учинчи шахслар томонидан инвестиция киритишга оид келишувлари (битим, шартнома, меморандумлар);

уларнинг хўжалик жамиятлари устав капиталида иштирок этиши;

улар ягона таъсисчи бўлган корхоналарни қайта ташкил этилиши;

йирик кўчмас мулк обьектларини сотиш масалаларни дастлаб кузатув кенгашида кўриб чиқилгандан сўнг Давактив агентлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

#### **IV. Устав фонди**

4.1. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ҳамда Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

4.2. Жамиятнинг устав фонди 24 070 520 452 (йигирма тўрт миллиард етмиш миллион беш юз йигирма минг турт юз эллик икки) сўм бўлиб, номинал қиймати 4 076 сўмдан бўлган 5 905 427 (беш миллион тўққиз юз беш минг тўрт юз йигирма етти) дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз акциялардан иборат.

4.3. Жамиятнинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин; акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини кисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.4. Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

4.5. Қўшимча акциялар фактат эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштириш мумкин. Бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон

қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

4.6. Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Жамиятни Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

4.7. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, уларни жойлаштириш тартиби, муддатлари ҳамда шартлари белгиланади.

4.8. Жамият Устав фондини унинг ўз капитали хисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида ўша турдаги унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.9. Жамиятнинг Устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

4.10. Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул килинаётганда акциядорларнинг Умумий йигилиши Устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **V. Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар**

Жамият қонунчилик ва мазкур Уставига мувофиқ акциялар, корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

### **5.1. Акциялар**

5.1.1. Жамият томонидан номинал қиймати 4 076 (тўрт минг етмиш олти) сўмдан бўлган 24 070 520 452 (йигирма тўрт миллиард етмиш миллион беш юз йигирма минг турт юз эллик икки) сўмлик 5 905 427 дона эгаси ёзилган хужжатсиз оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

5.1.2. Жамият қўшимча равишда номинал қиймати 4 076 (тўрт минг етмиш олти) сўм бўлган 20 000 000 (йигирма миллион) дона эгаси ёзилган хужжатсиз оддий акцияларни (эълон қилинган акциялар) жойлаштириш хукуқига эгадир.

5.1.3. Қўшимча акциялар эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин. Акцияларни қўшимча чиқариш факат Жамиятнинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлангандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорида (қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарори) жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланади.

5.1.4. Жамиятнинг эълон қилинган акциялари ҳақида қонунчиликда назарда тутилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

5.1.5. Жамиятнинг оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

5.1.6. Акциялар мулк хукуки ёки бошқа ашёвий хукуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – акциядор деб эътироф этилади.

5.1.7. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуки асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

5.1.8. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

5.1.9. Жамиятнинг оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивиденdlар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

## 5.2. Акцияларни жойлаштириш

5.2.1. Жамият томонидан акциялар жойлаштириш қимматли қозозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қимматли қозозлар чиқарилишининг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5.2.2. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун хужжатлари талабларини хисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳақли.

Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун хужжатларида ва мазкур Уставида чеклаб кўйилган ҳоллар бундан мустасно.

5.2.3. Акциялар очик обуна йўли билан жойлаштирилганда Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш бошланишига камида икки ҳафта қолганида, куйидаги ахборотни ошкор этади:

Акциялар эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни;

жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), банк реквизитлари, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, давлат статистикаси ва солиқ хизмати органлари томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш ва идентификация рақамлари;

фаолиятнинг асосий йўналишлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат) турлари;

мустакил рейтинг баҳоси, агар унинг шундай баҳоси бўлса, тегишли изохлари билан;

акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ акцияларни чиқариш ва жойлаштириш шартлари.

Ушбу ахборотни:

агар Жамиятнинг қимматли қозозлари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса, мажбурий равишда ошкор қилиш факат фонд биржасининг расмий веб-сайтида амалга оширилади;

5.2.4. Акцияларнинг очик обунаси факат ташкил этилган қимматли қозозлар савдоларида ўтказилади.

5.2.5. Акциялар ташкил этилган қимматли қозозлар савдоларида оммавий жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, жойлаштириш ҳажмидан қатъи назар, амалга ошган деб эътироф этилади.

5.2.6. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қозозлар савдоларида чиқариш) нархи Жамият Кузатув кенгаши томонидан қимматли қозозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

5.2.7. Жамиятнинг қўшимча акциялари жойлаштириш чогида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

5.2.8. Жамиятнинг Устав фонди кўпайтирилаётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали хисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан

тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивиденdlар хисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.2.9. Жамиятнинг акцияларини жойлаштириш чогида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулқ, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хуқуқлар (шу жумладан мулкий хуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни қўшимча акциялар ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.2.10. Жамият акцияларини тўлаш ҳисобига киритилаётган мол-мулкнинг пул баҳосини белгилашнинг ташкил этилиши Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Агар Жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган базавий хисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

5.2.11. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичida ҳақ тўланиши лозим.

5.2.12. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Жамиятнинг жойлаштирилмаган акциялари ушбу бандининг кўрсатилган муддат ўтганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

5.2.13. Жамият рўйхатдан ўтказилган акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган акцияларни жойлаштириш муддати ўтган кундан кейин қонунчиликда белгиланган муддатда, агар барча акциялар ушбу муддат ўтишидан олдин жойлаштирилган бўлса – ушбу чиқаришдаги сўнгги акцияларни жойлаштириш кунидан кейин қонунчиликда белгиланган муддатда рўйхатдан ўтказувчи органга акцияларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришномани тақдим этади.

### **5.3. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда имтиёзли олиш хуқуқи**

5.3.1. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблаглари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш хуқуқига эга. Акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш хуқуқига (бундан буён матнда имтиёзли хуқуқ деб юритилади) эга.

5.3.2. Имтиёзли хуқуқка эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

5.3.3. Имтиёзли хуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг факат бутун миқдорини олиши мумкин.

5.3.4. Жамият акцияларнинг ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичida оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли хуқуқка эга бўлган акциядорларида акцияларни ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда teng шартларда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган Жамиятни Кузатув кенгаши томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича олишини таклиф этиши шарт.

Билдириш матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қозголарнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қозголарнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу хукуки амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

5.3.5. Имтиёзли хукуқнинг амал қилиш муддатини билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

5.3.6. Имтиёзли хукуқка эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қозголарни олиши тўғрисида ўзининг исмишарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қозголарнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги хужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли хукуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли хукуқнинг амал қилиш муддати ичida жамиятга тақдим этилиши керак.

5.3.7. Имтиёзли хукуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли хукуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кешиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

5.3.8. Жамият имтиёзли хукуқнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қозголарни уларни олиш бўйича имтиёзли хукуқка эга бўлмаган шахсларга жойлаштиришга ҳақли эмас.

5.3.9. Имтиёзли хукуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қозголар уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган тартибда Жамият томонидан реализация қилинади.

5.3.10. Имтиёзли хукуқдан бошқа шахс фойдасига воз кешишга йўл қўйилмайди.

#### **5.4. Жойлаштирилган акцияларни Жамият томонидан олиш**

5.4.1. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар Умумий йигилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Жамият Устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиши мақсадида Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

5.4.2. Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати Жамият Устав фондининг қонунчиликда назарда тутилган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини олиш йўли билан Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

5.4.3. Акциядорлар Умумий йигилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида Жамият томонидан олинган акциялар қонун хужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

5.4.4. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинадиган акцияларнинг турлари, Жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олиниши белгилаб қўйилиши керак.

5.4.5. Акцияларни олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш пул маблаглари билан амалга оширилади. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади, бу қиймат жамиятнинг акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш хукуки юзага келишига

сабаб бўладиган харакати натижасида қийматнинг ўзгариши хисобга олинмаган холда аниқланади.

5.4.6. Қайси муайян турдаги акцияларни олиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, ўша акцияларнинг эгаси бўлган ҳар бир акциядор мазкур акцияларни сотишга ҳақли, Жамият эса уларни олиши шарт. Агар Жамият томонидан олиниши тўғрисида акциядорларнинг аризалари тушган акцияларнинг умумий сони Қонунинг 37 модда билан белгиланган чекловлар ҳисобга олинган холда Жамият олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиқ бўлса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга мутаносиб равишда акциялар олинади.

5.4.7. Акциялар олинадиган муддат бошланишига кечи билан ўн кун қолганда Жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни Жамият томонидан акциялар олиниши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этиши шарт.

5.4.8. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишида ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивиденdlар ҳисоблаб чиқарилмайди.

5.4.9. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Жамият тасарруфига ўтган акциялар улар Жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг Умумий йигилиши Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

5.4.10. Жамият томонидан ўз акцияларининг олиниши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, мустакил равишида ёки қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари орқали амалга оширилади.

5.4.11. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

## **VI. Акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

6.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуклари қўйидагилардан иборат:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;  
Депо ҳисобварагидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;  
Жамият фойдасининг бир қисмини дивиденdlар тарзида олиш;  
Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол мулкнинг бир қисмини олиш;  
Акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;  
Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;  
Олган дивидендини эркин тасарруф этиш;  
Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуqlарини ҳимоя қилиш;  
Ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;  
Ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;  
Қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан bogлиқ таваккалчиликларни сугурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун хужжатларига, Корпоратив бошқарув кодексига ва мазкур Уставига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Акциядор томонидан хукуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

6.3. Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни – мазкур акциялар эгасини Конунида белгиланган тартибда Жамиятни бошқариша иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш хукуқидан маҳрум қилмайди.

6.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Қонунга ва Жамият Уставига мувофиқ акциядорларнинг Умумий йигилишида мазкур йигилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш хукуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш хукуқига эга.

6.5. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

Жамиятга зарар етказилиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик; имкон қадар Жамият бошқа органлари томонидан қарорлар қабул қилинишини чеклайдиган ёхуд тўскинлик қиласидаги ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслик, акциядорнинг қонунчилик билан назарда тутилган хукуқларини амалга ошириш бундан мустасно;

қонунчилик, мазкур Устав ва акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар билан назарда тутилган муддат, тартиб ва усусларда акцияларни тўлаш;

Устав талаблари ҳамда Жамият бошқарув органлари қарорларини бажариш;

акциядор ўз акцияларига бўлган хукуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни қонунчиликда белгиланган тартибда ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вактида хабардор қилиш. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун Марказий депозитарий ва акциядорнинг ўз акцияларига бўлган хукуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарий жавобгар бўлмайди;

Жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни саклаш;

Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралashiшга, хужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини кўллаш йўли билан жамият Бошқаруви фаолиятига тўскинлик қилишига ҳақли эмас;

қонунчилик, мазкур Устав ҳамда Жамиятнинг ички хужжатлари билан назарда тутилган бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

6.6. Акциядорлар қонунчиликда ва мазкур Уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

## **VII. Даромади (фойда)ни тақсимлаш, дивидендларни тўлаш ва зарарни қоплаш**

7.1. Соликлар ва мажбурий тўловлар амалга оширилганидан сўнг Жамият тасарруфида қолган даромад (фойда)ни тақсимлаш Жамият Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра акциядорлар Умумий йигилишининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

7.2. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

7.3. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.4. Дивиденд акциядорларнинг Умумий йигилиши қарорига кўра пул маблаглари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қозголари билан тўланиши мумкин.

7.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.6. Жамият молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.7. Акцияларнинг хар бир тури бўйича дивиденdlар тўлаш (молиявий йил натижаларига кўра), дивидендинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивиденdlарнинг миқдори Жамият Кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивиденdlар тўлаш тўғрисидаги карорда дивиденdlар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўrsatilgan бўлиши лозим.

7.8. Дивиденdlар Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.9. Дивиденdlарни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг Умумий йигилиши қарорида белгиланади. Дивиденdlарни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим. Хисобланган дивиденdlарни тўлаш акциядорларнинг дивиденdlарни олишга бўлган тенг хукуқларига риоя этилган холда амалга оширилади.

Жамият тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивиденdlар тўловини амалга ошириш хукуқига эга.

7.10. Эгаси ёки эгасининг қонуний хукукий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг Умумий йигилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

7.11. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивиденdlарни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблагларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварагига ўтказиб бериши шарт.

Жамият акциядорларининг реестридан олинган, Жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда Жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивиденdlар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

7.12. Акциядорларга дивиденdlарни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг Умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш хукуқига эга.

7.13. Дивиденdlар акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивиденdlар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиқсан холда пеня ҳисобланади.

Жамият томонидан ҳисобланган дивиденdlарни ва пеняларни тўлашни акциядор суд тартибida талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивиденdlарни тўлаш Жамият томонидан рад этилган тақдирда, Жамиятга нисбатан қонун хужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

7.14. Жамият:

агар дивиденdlар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивиденdlарни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фонди ва Захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тутатилгач, Жамият хисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.15. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида, жамиятнинг расмий веб-сайтида эълон қиласи.

7.16. Жамият фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келган заарларни тўлаш (қоплаш) Захира фонди хисобига амалга оширилади. Заарларни тўлаш (қоплаш) учун Захира фонди маблаглари етишмаган тақдирда, заарлар акциядорлар Умумий йигилишининг қарори асосида Жамиятнинг қонунчилик билан йўл қўйиладиган бошқа маблаглари хисобига тўланиши (қопланиши) мумкин.

### **VIII. Захира ва бошқа фондлар**

8.1. Жамият Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида Захира фондини ташкил этилади. Жамиятнинг Захира фонди Жамиятнинг Устав фондида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан камида 5 (беш) фоиз миқдорида мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

8.2. Бошқа маблаглар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг Захира фонди Жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг Захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

8.3. Жамиятнинг Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.4. Жамият бошқа мақсадли фондларни ташкил этишга ҳақли. Фондларнинг мақсади, миқдори, ташкил қилиш манбалари ва фойдаланиш тартиби акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан белгиланади.

### **IX. Жамиятни бошқарув органлари. Миноритар акциядорлар қўмитаси. Жамият фаолиятини назорат қилиш.**

9.1. Жамиятни бошқариш қонунчилик, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йигилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”, 2018 йил 20 апрелдаги 15-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув коидалари”, мазкур Устав ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

9.2. Жамиятни бошқариш акциядорларнинг Умумий йигилиши, Кузатув кенгаши ҳамда Ижроия органи – Бошқарув томонидан амалга оширилади.

**Акциядорларнинг Умумий йигилиши – Жамият бошқарувининг олий органи.**

**Кузатув кенгаши –** Жамият фаолиятининг умумий бошқарувини амалга оширувчи Жамиятнинг бошқарув органи, акциядорлар Умумий йигилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

**Бошқарув –** Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи коллегиал ижро органи, акциядорлар Умумий йигилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.3. Миноритар акциядорларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

9.4. Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш жамиятнинг ички аудит хизмати, аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, Жамият Уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартибтаомилларига риоя этилишини, активларнинг сакланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларida белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласди ҳамда баҳолайди.

Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва унга хулосаларни бериш Жамият билан тузилган шартнома асосида Жамият ваколатли орган томонидан белгиланган аудиторлик ташкилоти амалга оширади.

## **9.1. Акциядорларнинг Умумий йигилиши**

9.1.1. Акциядорларнинг Умумий йигилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.1.2. Акциядорлар Умумий йигилиши ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йигилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорлар Умумий йигилиши тўғрисида”ги Низоми асосида амалга оширади.

9.1.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг Умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик Умумий йигилишини) ўтказиши шарт.

9.1.4. Акциядорларнинг йиллик Умумий йигилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик Умумий йигилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади, Жамиятнинг йиллик ҳисоботларига мувофиқ жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётан чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва Қонунда белгиланган бошқа хужжатлар кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиши чогида умумий йигилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йигилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қозозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

9.1.5. Акциядорларнинг йиллик Умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган Умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йигилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

9.1.6. Акциядорлар Умумий йигилишининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

- жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, Жамият Уставига Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақидаги қарорлар бундан мустасно;

- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатищ, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиши балансларини тасдиқлаш;
- жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиши;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдори белгилаш;
- жамиятнинг Устав фондини камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш), бунда Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) танлов асосида амалга оширилади. Танловда хорижий менеджерлар хам иштирок этиши мумкин;
- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисботларини эшлиши;
- акциядорлар Умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- «Умумий йигилиши тўғрисида», «Кузатув кенгashi тўғрисида» ва «Ижроия органи тўғрисида» ги низомларни тасдиқлаш;
- жамиятнинг ички назорат тўғрисидаги, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида харакат қилиш тартиби, комплаенс хизмати тўғрисидаги, Монополияга карши комплаэнс низомларини, Коррупцияга карши сиёсати ва бошқа ички корпоратив низомларни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан холда жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- хар йили мустақил профессионал ташкилотлар-маслахатчиларни жалб қилган холда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларни Жамиятнинг ривожланиш максадларига мувофиқлиги юзасидан тахлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Бошқарувнинг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан bogliq битимларни белгилаш;
- мажбурий аудиторлик текширувни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган холда), шунингдек ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йигилишини видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- жамият маблаглари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатларини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- акциядорларнинг умумий йигилишида ҳисбот берувчи жамият Бошқарув ва назорат органлари маъruzalari (ҳисботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йигилиши давомийлигини белгилаш;
- жамият Кузатув кенгashi ва Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори микдорини белгилаш. Бунда Кузатув

кенгаши аъзоларига тўланадиган хақ миқдори Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан белгиланган микдорда амалга оширилади.

- Қонунда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар Умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Бошқарув органига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар Умумий йигилишининг мутлоқ ваколати доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.1.7. Қуйидаги масалалар бундан мустасно:

жамият Устав фондини кўпайтириш, шунингдек жамият Уставига жамият устав фондини кўпайтириш хамда жамиятнинг эълон қилинган акциялар сонини камайтириш билан бөглиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш: жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамиятнинг Бошқарувини тузиш, унинг аъзоларини сайлаш(тайинлаш), рахбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг Бошқарувига тўланадиган хақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш:

9.1.8. Акциядорларнинг Умумий йигилишида овозга қўйилган масалалар бўйича Жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш хуқуқига эга.

9.1.9. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йигилишининг Қарори, агар Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йигилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда, жумладан Қонуннинг 88-моддасининг бешинчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Соликка оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидағи (устав капиталидаги) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йигилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

9.1.10. Акциядорларнинг Умумий йигилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгаришлар киритишга ҳақли эмас.

9.1.11. Акциядорлар Умумий йигилишини кун тартибига масалалар киритишга таклиф кўриб чиқиши, уни чақириш, шунингдек акциядорларнинг Умумий йигилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар Умумий йигилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиблари Қонунга мувофиқ Умумий йигилиши қарори билан тасдиқланган “Акциядорлар Умумий йигилиши тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамиятнинг кузатув кенгашига ушбу кенгашнинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

Жамиятнинг бир фоизидан кам бўлмаган акциядорлар (акциядор) га Кузатув кенгаши аъзолигига ўзлари кўрсатган номзодларини кўрсатиш юзасидан таклиф киритиши акциядорларнинг йиллик Умумий йигилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳакли.

9.1.12. Акциядорларнинг Умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши ҳакида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг Умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.1.13. Акциядорларнинг Умумий йигилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма беш кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

9.1.14. Акциядорларнинг Умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг Умумий йигилиши ўтказиладиган санадан йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

9.1.15. Акциядорларнинг Умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик хисоботи, аудиторлик ташкилотининг хulosаси, жамият кузатув кенгашининг директор (бошқарув раиси), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш мuddатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси, шунингдек жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг Уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси киради. Шу жумладан, кузатув кенгашининг умумий йигилиши кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотлар тақдим этилади.

Акциядорларнинг умумий йигилишида ижроия органининг мукофот ва компенсациялари микдори ошкор этилади хамда тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар микдорининг асосланиши, уларнинг жамиятнинг дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат тугилганда соф фойданинг муайян қисмини жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланишини эълон қиласди.

Акциядорларнинг Умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қозозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

Акциядорларга берилиши лозим бўлган ахборотдан (материаллардан) акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилгунига қадар ва уни ўтказиш вақтида фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак.

9.1.16. Бошқарув органлари барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, бир хил муносабатни таъминлайди.

9.1.17. Бошқарув, кузатув кенгаши аъзолари, шунингдек, аудиторлик ташкилоти вакили умумий йигилишда ўз хисоблари билан шахсан иштирок этишлари шарт.

9.1.18. Акциядорларнинг умумий йигилиши раиси акциядорлар умумий йигилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармогидаги трансляциясига рухсат бериш ваколатига эга.

9.1.19. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг Умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини

тарқатиши учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан Саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

Саноқ комиссияси ўз ишини мазкур Устав ва акциядорларнинг Умумий йигилиши қарори билан тасдиқланган “Саноқ комиссияси тўгрисида”ги низом асосида амалга оширади.

Саноқ комиссияси акциядорларнинг Умумий йигилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлади, Умумий йигилишда овоз бериш ҳукукларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳукукларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунларини чиқаради, овоз бериш якунлари тўгрисида баённома тузади.

Овоз бериш якунлари тўгрисидаги баённома акциядорлар умумий йигилишининг, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказиладиган умумий йигилишининг кворуми мавжудлиги ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.

Овоз бериш якунлари тўгрисидаги баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси имзоланганидан кейин акциядорларнинг қогоздаги ёки электрон жисмдаги овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ва жамият идоравий архивига сақлаш учун топширилади.

9.1.20. Акциядорларнинг Умумий йигилишида иштирок этиш ҳукуқига акциядорларнинг Умумий йигилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг Умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўгрисида ахборот тақдим этиши шарт.

9.1.21. Акциядорларнинг Умумий йигилишида иштирок этиш ҳукуки акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йигилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Ишончнома Қонуннинг 67-моддасига мувофиқ тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим. Акциядор акциядорларнинг Умумий йигилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йигилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

9.1.22. Агар акциядорларнинг Умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг Умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йигилиши ўрнига чакирилган такрорий Умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами кирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий Умумий йигилиши ваколатли бўлади.

9.1.23. Акциядорларнинг Умумий йигилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси – битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

9.1.24. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартиbidаги масалалар бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Акциядорларнинг Умумий йигилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс хисобидан ўзи тўлдирилган бюллетенъ нусхасини олиш имконияти берилади.

9.1.25. Акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган Умумий йигилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг Умумий йигилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисботни эълон қилиш орқали қонунчиликда белгиланган муддатда акциядорлар эътиборига етказилади.

9.1.26. Акциядорлар Умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг Умумий йигилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йигилишда раислик қилувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар Умумий йигилишининг баённомасида:

акциядорларнинг Умумий йигилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йигилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йигилишнинг раиси ва котиби, йигилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар Умумий йигилишининг баённомасида маъruzalarнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йигилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

## 9.2. Кузатув кенгаши

9.2.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар Умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

9.2.2. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини қонунчилик, Корпоратив бошқарув кодекси ва қоидалари тавсиялари, мазкур Устав ва акциядорларнинг Умумий йигилиши қарори билан тасдиқланган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом асосида амалга оширади.

9.2.3. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони етти кишидан иборат.

Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Қонунда ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак.

Қўйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

сўнгги уч йил ичидан жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;

жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фукаролик-хукукий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага teng амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлик бўлган келишувлар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки куда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўгиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқарувি органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

акциядорлар умумий йигилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгилangan талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Жамият жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қиласди.

Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзоларнинг реестрини юритиш тартиби қимматли қозозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзосининг белгилangan талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у жамиятни ва кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда белгилangan тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида таклиф этилади.

Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда тенг хукуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

9.2.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Жамият Бошқарув органи аъзолари, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига ва унга сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом”и билан белгилangan ёки акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

Кузатув кенгаши аъзолиги учун номзодларга доир малака талаблари, шу жумладан, Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарув малака сертификати ёки малака аттестати мавжудлиги талаб қилинади (конун ҳужжатларида назарда тутилган холлардан ташкари).

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги Қонуни 44-моддасига мувофиқ, жамият кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тегишинча Давактив агентлиги, маҳсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тузилган танлов комиссияси томонидан танланади.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг давлат улуши бўйича кузатув кенгаши аъзоларини танлаш қоидалари (танлов регламенти) Агентлик томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Танлов регламентида давлат иштирокидаги корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, кузатув кенгашлари аъзолигига номзодларга қўйиладиган мезонлар белгиланиши ва мазкур мезонлар асосида танлов ўтказилиши назарда тутилиши керак.

Давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти соҳасини лицензиялаш, тартибга солиш ёки назорат қилиш вазифаларини амалга оширувчи давлат органларининг ходимлари, шунингдек, молия-хўжалик фаолиятини текширишни амалга оширувчи органларнинг ходимлари ушбу корхоналар кузатув кенгашининг таркибига киритилиши мумкин эмас, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Жамиятнинг Кузатув кенгashi сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига қўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг қўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибиغا сайланган деб ҳисобланади.

Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан қўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгashi аъзолари томонидан сайланади.

Жамиятнинг Кузатув кенгashi ўз раисини Кузатув кенгashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан қўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

#### 9.2.5. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамиятнинг бизнес-режаси кўрсатгичлари, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият Бошқарувнинг хисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиши (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш хуқуқини фақат акциядорларнинг умумий йигилиши ва қонун хужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда бериш;

- жамият ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

- корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш жамият кузатув кенгашининг қарори бўйича танлов асосида ўтказиш;

- жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини қўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан бөглиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- акцияларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгилаш;

- акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;

- эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва қимматли қоғозлар жойлаштирилиши ва муомаласини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият ўзи жойлаштирган акцияларни уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида қарор қабул қилиш;

- корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш түгрисида қарор қабул қилиш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йигилишларини чакириш, бундан Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар Умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг Умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг Умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва йигилиш ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларни акциядорларнинг Умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамият Бошқарув сон таркибини тузиш ва Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, бунда Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) танлов асосида амалга оширилади ва умумий йигилишда тасдиқлаш учун тавсия қилинади. Танловда хорижий менеджерлар хам иштирок этиши мумкин;
- жамиятнинг Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳак, мукофот ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаган ёки самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари “паст” ёки “қоникарсиз” деб баҳоланганд тақдирда ижро органи томонидан ўтган ҳисобот йилида тўланган мукофотни тўлиқ Жамиятга қайтариш масаласини кўриб чиқиш;
- Бошқарув Раисини ва Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномаларни амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;
- йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъкуллаш ва тасдиқлаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг харажатлар сметаси, иш режасини тасдиқлаш, ходимларини тайинлаш хамда ҳисоботини ҳар чоракда эшитиб бориш ва тасдиқлаш;
- корпоратив котибни тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- раҳбар лавозимларга танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менеджерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилган танловлар регламентини тасдиқлаш;
- жамиятнинг “Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомини” тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган эксперталар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар) дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гурухлари) ташкил этиш ва низомларини тасдиқлаш;
- жамият корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустакил ташкилотни жалб қилиш;
- корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида бажарилиши устидан назорат қилишни таъминлаш;
- кузатув кенгаши йигилишларини сўров ўтказиш йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш холатлари ва тартибини белгилаш;

- акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро хамкорлик учун масъул ходим ёки бўлинмани ташкил этиш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор хар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгashi зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгashi ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувани ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- аудиторлик текширувани, шу жумладан ҳалқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий хисоботларнинг ҳалқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш ва эълон қилиш бўйича тегишли қарорларни қабул қилиш;

- Бошқарув раиси ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш;

- жамиятда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари натижадорлиги юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича хисоботларни тинглаш;

- жамият харидлар жараёни шаффофлиги ва асослилиги, шу жумладан маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини хисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланишини ҳар чоракда ташки аудитдан ўтказиш механизмини жорий этиш;

- жамият харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини, шунингдек, импорт қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини харидларнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш;

- жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш;

- жамият ижро органи раҳбарига хусусийлаштириш жараёнларини, шу жумладан акцияларни оммавий жойлаштиришни (IPO) сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот (мазкур Низомнинг кўзда тутилган рагбатлантиришдан ташқари) ёки амалга оширганлик учун жавобгарлик чоралари белгилаш;

- асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки куриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шугулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

- жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш;

- Жамият Ҳалқаро молиявий хисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий хисоботни у Ҳалқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилгандан сўнг, уни эълон қилиш бўйича қарорларни қабул қилиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг Захира фондидан ва бошқа фонларидан фойдаланиш;

- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- Қонуннинг 8 ва 9-бобларида ва мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боялиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

- Жамиятни яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштириш;

- Жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташки қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблагларни жалб этиш;

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Қонун, корпоратив бошқарув Кодекси, қоидалари ва мазкур Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Кузатув кенгashi акциядорларнинг умумий йигилиши, кузатув кенгashi, жамият устави ва ривожланиш режаси томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилиши учун ижроия органи ваколатига кирувчи масалаларни у томондан мустақил ҳал этиш талабини жорий этади.

Жамият Кузатув кенгashi Бошқарув, жамиятнинг ички назорат органи, ташкил этилган коллегиал органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, зарур бўлганда, жамият ривожланиш режасини ишлаб чиқиши ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этади.

Кузатув кенгashi жамиятнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий бақарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсатгичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилайди.

Учинчи шахслар томонидан инвестиция киритишга оид келишувлари (битим, шартнома, меморандумлар);

Жамиятнинг хўжалик жамиятлари устав капиталида иштирок этиши;

Жамият ягона таъсисчи бўлган корхоналарни қайта ташкил этилиши;

Кўчмас мулк объектларини сотиш масалаларни дастлаб кузатув кенгashiда кўриб чиқилгандан сўнг Давактив агентлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг Бошқарув органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.2.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгashi мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласди, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг Умумий йигилишида раислик қиласди. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

9.2.7. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгashi, Бошқарув аъзосининг, шунингдек Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги бир фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақирилади ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йигилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритилади.

Жамият Кузатув кенгashi мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камидаги бир марта Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларига ҳабар бериш йўли билан чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари чоракда бир мартадан кўпроқ ўтказилиши мумкин.

Янги уч йил муддатга сайланган Кузатув кенгашининг биринчи мажлиси Жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзоларидан бири томонидан мажлис чақирилиши тўғрисидаги бошқа Кузатув кенгashi аъзоларини хабардор қилиш орқали чақирилади. Кузатув кенгашининг ушбу мажлисида Жамият Кузатув кенгashi раисини сайлаш масаласи кўрилиши шарт.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида белгиланган шахс томонидан Кузатув кенгashi мажлисини чақириш тўғрисидаги ёзма талаб келиб тушган тақдирда, Кузатув

кенгашининг раиси келиб тушган талабни кўриб чиқишига мажбур. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисими ўтказиш тўғрисидаги талабда мажлис кун тартибида киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган ҳамда мажлис чақирилишини талаб қилаётган шахснинг электрон манзили бўлиши керак. Талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичida Жамият Кузатув кенгашининг раиси мажлисни чакириш тўғрисида ёки мажлисни чакиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак. Чакириш тўғрисидаги қарор қабул килинган тақдирда талабда кўрсатилган масалани (масалаларни) кўриб чиқиш бўйича Кузатув кенгashi мажлиси Кузатув кенгashi раиси томонидан тегишли талаб олинганидан бошлаб ўттиз иш кунидан кечиктирмай ўтказилиши керак. Жамият Кузатув кенгashi раиси томонидан мажлиси чакириш ёки бундай мажлисни чакиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори мажлис чакиришни талаб қилган шахсга қарор қабул килинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай электрон манзил орқали юборилади.

9.2.8. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисими ўтказиш учун кворум аниқланади. Жамият Кузатув кенгashiга сайланган аъзоларнинг камиде етмиш беш фоизи иштирок этганида кворум ҳисобланади. Жамият Кузатув кенgashi аъзоларининг сони мазкур бандида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенgashinинг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йигилишини чакириши шарт. Кузатув кенgashinинг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари Умумий йигилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бошқарув Раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

9.2.9. Жамиятнинг Кузатув кенgashi мажлиси кворуми мавжуд бўлган тақдирда Жамият Кузатув кенgashi ваколатли бўлади. Кузатув кенgashi мажлисими Кузатув кенgashi раиси, у бўлмаган тақдирда эса, унинг Кузатув кенgashinинг аъзоларидан бири очади, мажлис кун тартибини эълон қилади ва мажлисими олиб боради. Йигилиш кун тартиби масаласи бўйича Кузатув кенgashi раиси, Кузатув кенgashi аъзоси ёки кун тартиби масаласи бўйича маъруза билан таклиф этилган шахс чиқишилари тингланади. Чиқишиларнинг натижаларига кўра кун тартибидаги масала мухокама қилинади. Овозга кўйилган савол бўйича овоз берилади. Кузатув кенgashi раиси, у бўлмаган тақдирда эса, унинг Кузатув кенgashinинг аъзоларидан бири овозга қўйиш натижаларини ва қабул қилинган қарорни ўқиб эшилтиради. Кун тартибига кўйилган масалалар кўриб чиқиши натижасига кўра, кўрсатилган шахс йигилишини ёпиқ деб эълон қилади.

9.2.10. Жамият Кузатув кенgashinинг мажлисида қарорлар, агар Кузатув кенgashinинг мажлисими чакириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи Қонун, ўзгача коида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенgashinинг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенgashinинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият Кузатув кенgashinинг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенgashinинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Жамият Кузатув кенgashi аъзоларининг овозлари teng бўлган тақдирда Жамият Кузатув кенgashi раиси ҳал қилувчи овозига хукуки эга.

Қонуннинг 18-моддасида ва мазкур Уставнинг 4.6. бандида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенgashi томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Жамият Кузатув кенgashinинг йигилишлари сўров ўтказиш йўли билан шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказилиши, Жамият Кузатув кенgashinинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Жамият Кузатув кенgashi мажлиси масофадан туриб ахборот коммуникация технологияларини, шу жумладан видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилиши мумкин, бунда мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенgashi аъзолари кун тартибидаги масалаларни мухокама қилишлари ва улар бўйича овоз

беришлари мумкин. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳақда кўрсатилади, ушбу мажлис сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилган деб эътироф этилмайди.

9.2.11. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгashi аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Жамият Кузатув кенgashi мажлиsinинг баённомасидан кўчирмани Жамият Кузатув кенgashining раиси имзоланади, у мажлис баённомаси ишонччилиги учун жавобгар бўлади.

9.2.12. Жамият Кузатув кенgashi мажлиsinинг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенgashi акциядорларнинг Умумий йигилишини чақириш тўгрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг Бошқарувига Кузатув кенgashining мажлиsi ўтказиладиган куни топширилади.

9.2.13. Акциядорлар Умумий йигилишининг қарорига кўра Жамият Кузатув кенgashining аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенgashining аъзоси вазифаларини бажариш билан bogliq харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Қонунчилик билан белгиланган меъёр доирасида акциядорларнинг Умумий йигилиши қарори билан тасдиқланган “Кузатув кенgashi, ва ижроия органи аъзоларини рагбатлантириш тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

9.2.14. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенgashiiga тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенgashi аъзолари орасидан кўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Жамият факат мазкур жамият кузатув кенgashining аъзоларидан таркиб топган аудит кўмитасини ташкил этиши шарт.

Кўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг “Кузатув кенgashi тўғрисида”ги низомда белгиланади

9.2.15. Жамият Кузатув кенgashining аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Кузатув кенgashi аъзоси давлат иштирокидаги корхоналар билан bogliq ҳар қандай масала ёки битим бўйича ҳар қандай манфаатдорлиги тўгрисидаги маълумотларни ошкор қилиши шарт.

Агар бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдида жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Жамиятга заар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенgashi аъзолари жавобгар бўлмайди.

Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган заарларнинг ўринини

қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг карорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси жамиятга чалгитувчи ахборот ёки била туриб ёлгон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган заرار учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

### **9.3. Бошқарув**

9.3.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиал ижроия органи Жамият Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

9.3.2. Жамият Бошқаруви ўз ишини қонунчилик, Корпоратив бошқарув кодекси ва қоидалари, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йигилиши қарори билан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида» ги низом асосида амалга оширади.

9.3.3. Жамият Бошқарув аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат. Бошқарув раҳбари Бошқарув Раиси ҳисобланади.

Бошқарув тузилиши ва таркиби Кузатув кенгаши қарорига кўра белгиланади.

Кузатув кенгаши томонидан Бошқарув аъзолари сайланади ва улар билан уч йил муддатга шартнома тузилади. Бошқарув раиси ва унинг ўринbosарлари Кузатув кенгашининг тавсиясига асосан умумий йигилишда сайланади (тайинланади). Бошқарув раислигига тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Бошқарув раиси бўлиши мумкин эмас. Бошқарув Раиси ва унинг ўринbosарлари танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади ва умумий йигилишда тасдиқлаш учун тавсия килинади. Танловда хорижий менеджерлар хам иштирок этиши мумкин. Жамият Бошқарув раисига ва унинг ўринbosарларига номзодларни кўрсатиш ва тавсия бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сонли Қароридаги белгиланган шарт ва тартиб асосида амалга оширилади.

Жамиятнинг ижро этувчи орган раҳбари ва аъзолари жавобгарлигини сугурталаш мажбурдир.

Жамият Бошқарув аъзоларига доир малака талаблари жамиятнинг «Ижроия органи тўғрисида» ги низом билан белгиланган ёки акциядорларнинг Умумий йигилиши ва кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамият Бошқаруви аъзоларининг, шу жумладан Бошқарув раисининг, хукуқ ва мажбуриятлари тегишинча Қонун ва бошқа қонун хужжатларида, мазкур Уставда, жамиятнинг «Ижроия органи тўғрисида» ги низомида ҳамда уларнинг ҳар бири Жамият билан тузадиган шартномада белгиланади.

Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Бошқарувининг Раиси билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг Умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак. Жамиятнинг Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри bogлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар шартнома шартларини бузган тақдирда, Жамият Уставини қўпол

тарзда бузса ёки уларнинг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳукуқига эга.

Жамият томонидан солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига бошқа тўловлар, давлат мақсадли фондлари, иш ҳаки ва дивидендлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганда, шунингдек, кетма-кет икки чорак мобайнида бизнес-режанинг асосий параметрлари бажарилмаган тақдирда, Бошқарув раиси билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала Жамият Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқиласdi.

Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида карор қабул қилинган тақдирда, унинг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йигилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият Бошқарув раҳбари вазифасини вактинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йигилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

Кузатув кенгаши томонидан Жамиятнинг Бошқарув аъзоларини шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили карор қабул қилинади.

9.3.4. Жамиятнинг Бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

9.3.5. Жамият Бошқарувнинг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йигилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият Бошқарувнинг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- акциядорлар Умумий йигилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;
- жамиятнинг акциядорлар Умумий йигилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш;
- жамиятнинг узоқ муддатли истиқболга оид ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилаш учун беш йилдан ошиқ давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун кузатув кенгаши ва умумий йигилишга чиқариш;
- жамиятнинг бизнес-режасини ишлаб чиқади;
- жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар, маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш чоратадбирлари натижадорлиги юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича хисоботларни мунтазам равишда кузатув кенгаши йигилишида кўриб чиқиш учун тайёрлаш;
- маҳсулотлар сотиб олиш бўйича импорт шартномалари (уларга қўшимча шартномалар) ва уларнинг техник талабларини корхона раҳбарининг маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот-технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан келишиш;
- замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган дастурий таъминотларни жорий қилиш;
- жамиятнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилаш;
- жамият таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари йигилишларида ўзининг вакилларини жамият номидан овоз бериш тартибини белгилаш;
- мансабдор шахсларнинг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш нархларини тасдиқлаш;
- кўчмас мулк, қимматли қозголар, ишлаб чиқариш ускуналари, автомототранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш ҳамда бегоналаштириш бўйича битимларни тузиш;
- Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684 “Давлат харидлари тўгрисида”ги қонуни доирасида харидларни амалга ошириш ва битимларни тузиш;
- жамият фойдасини тақсимлаш тўгрисидаги тавсияни тайёрлаш учун Кузатув кенгашига таклифни киритиш;
- Бошқарув Раиси томонидан киритилган масалаларни ҳал этиш;
- Қонунчилик, Корпоратив бошқарув кодекси ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.3.6. Жамиятнинг Бошқаруви мажлисларини ўтказишини Бошқарув раиси ташкил этади, у Жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда Жамият бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, Жамиятнинг Бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.

Жамият Бошқарув мажлислари унинг раиси томонидан заруриятига кўра Бошқарувининг бошқа аъзоларига ҳабар бериш йули билан чақирилади.

Жамиятнинг Бошқаруви мажлиси кворуми мавжуд бўлган тақдирда Жамият Бошқарув ваколатли бўлади. Бошқарув мажлисини ўтказиш учун кворум Бошқарув аъзолигига сайланган аъзоларнинг камидаги олтмиш фоизи иштирок этганида кворум ҳисобланади.

Бошқарувининг мажлисида қарорлар агар қонун ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Жамият Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Бошқарувнинг бир аъзоси ўз овозини Бошқарувнинг бошқа аъзосига йўл қўйилмайди. Бошқарув аъзоларнинг овозлари тенг бўлинган ҳолларда Бошқарувнинг қарорини қабул қилишда Жамият Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Жамият Бошқарувининг мажлисида баённома юритилади. Бошқарув мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг уч кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

-мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

-мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

-мажлиснинг кун тартиби;

-овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

-қабул қилинган қарорлар.

Бошқарув мажлисининг баённомаси Бошқарув раиси ва аъзолари томонидан имзоланади, у мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Жамият Бошқарув мажлисининг баённомасидан қўчирма Жамият Бошқарув Раиси томонидан имзоланади, у мажлис баённомаси ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

9.3.7. Жамият Бошқаруви раиси қуйидаги ваколатларга эга:

ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш;

жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;

жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

жамият номидан битимлар, шартномалар, контраклар тузиш;

жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш; штатларни тасдиқлаш ҳамда унга тегишли ўзгартишлар киритиш, Жамият ходимларини ишга қабул

қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жамият ходимларига иш ҳакини (барча турдаги устамалар ва меҳнати билан иштирок этиш коэффициентлари) белгилаш;

жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

жамият номидан харакат қилиш учун ишончномалар бериш;

банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа рақамлар очиш; жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

муовинлар орасида мажбуриятларни тақсимлаш ва ходимлар иш мажбуриятлари бўйича қўлланмаларни тасдиқлаш;

жамият бизнес хатарлари ва ижроия органлари жавобгарлигини сугурталаш;

акциядорлар, бошқарув ва назорат органлари аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, хурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги хамкорликни таъминлаш;

Жамиятнинг акциядорлар Умумий йигилишининг, Кузатув кенгашининг ёки Бошқарув ваколатларига киритилмаган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

Жамият кундалик фаолиятини амалга ошириш ва акциядорлар Умумий йигилишининг, Кузатув кенгашининг ёки Бошқарув ваколатларига киритилмаган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

#### 9.3.8. Бошқарув раиси қўйидагиларга мажбур:

жамиятнинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси, йиллик бизнес-режалари, акциядорлар Умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини таъминлаш;

Жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, ходимларнинг билимлари, малакаси, тажрибаси ва қоибилиятларидан самарали равишда фойдаланиш бўйича чораларни кўриш;

Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилиниши ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлаш;

Жамият ва унинг ходимлари томонидан Жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

Жамият мансабдор шахсларининг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг тегишли ҳолати ва ҳаққонийлиги ташкил қилинишини таъминлаш, шу жумладан, эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисботлар халқаро стандартларига трансформациясини ташкиллаштириш ва қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилиш;

жамият мулкини бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаши билан келишиш;

жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари кўшимча фаолият билан шугулланишни факат кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

жамият кўчмас мулклари, автомототранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини “E-auksion” электрон савдо платформасида сотиш ва ижарага берилишини таъминлаш;

ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

бир йилда бир марта акциядорлар Умумий йигилишида йиллик хисоботни, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботларни тақдим этиш;

хар чоракда кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилишининг ҳолати ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида, маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари натижадорлиги юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича хисобот бериш;

тегишли органлар, акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларида Жамиятнинг ҳар йилги молиявий ва бошқа хисоботи, фаолияти тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни ўз вақтида тақдим этилиши ва чоп этилишини назорат қилиш;

акциядорларга қонунчилик билан бериладиган хуқуқларини ҳимоя қилишини таъминлаш;

маъмурий харажатлар ҳисоби ва бошқалар билан тасдиқланган маблаглар доирасида мол-мulkни сотиб олиш ва харажатларни амалга ошириш;

шартномалар бўйича мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш;

қонунчилик, мазкур Устав ва «Ижроия органи тўғрисида» ги низомга мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

9.3.9. Кузатув кенгаши қарорига кўра Жамият Бошқарув раиси ва Бошқарувнинг бошқа аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Бошқарувнинг аъзоси вазифаларини бажариш билан bogлиq харажатларнинг ўрни қопланиши (компенсация қилиниши) мумкин.

Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Қонунчилик билан белгиланган меъёр доирасида акциядорларнинг Умумий йигилиши қарори билан тасдиқланган “Кузатув кенгаши, ва ижроия органи аъзоларини рагбатлантириш тўғрисида”ги Низомда белгиланади. Низомда белгиланган тўловлар миқдоридан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари тақиқланади.

Куйидаги холларда Жамият бошқарув раиси ва бошқарувнинг бошқа аъзоларига рагбатлантиришлар туланмайди:

Акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгаши баёнларини "Давлат мулки" ахборот тизимида жойлаштирилмаганда;

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш амалга оширилмаганда;

Давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органига ахборотлар ва маълумотлар (Агентликнинг "Давлат мулки" ахборот тизимида бизнес-режа кўрсаткичлари ва СМК, шунингдек корхоналар веб-сайтларига маълумотлар киритиб борилиши) тақдим этилмаганда ёки ўз вақтида тақдим этилмаганда.

9.3.10. Жамият Бошқарув аъзолари ўз хуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Бошқарув аъзоси давлат иштирокидаги корхоналар билан bogliq ҳар қандай масала ёки битим бўйича ҳар қандай манфаатдорлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиши шарт.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдида жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Бошқарув вакиллари Бошқарув органига аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш хуқуқига эга эмас.

Жамиятга заарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган заарларнинг ўрнини

қоплаш тұғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақлы.

Суд жамиятнинг Бошқарув аъзосини жамиятга мулкий заар етказғанликда айбдор деб топған тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

Жамиятнинг Бошқарув аъзоси жамиятга чалгитувчи ахборот ёки била туриб ёлгон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

#### **9.4. Миноритар акциядорлари қўмитаси.**

9.4.1. Жамият акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш жамият акциядорлари орасидан сайланган миноритар акциядорларнинг қўмитаси томонидан амалга оширилади. Миноритар акциядорлари қўмитасини таъминлаш харажатлари жамият маблаглари хисобидан қопланади.

9.4.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йигилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йигилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

9.4.3. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони 3 кишидан иборат булиши мумкин.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибиغا жамиятнинг бошқарув раиси, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

9.4.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қўйидагилар киради:

- акциядорларнинг умумий йигилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши қўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

- миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бўлғиқ мурожаатларини қўриб чиқиш;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

- қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни қўриб чиқиш.

9.4.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишида ҳисобот беради.

9.4.6. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг хужжатларидан фойдаланиш хукуқига эга.

9.4.7. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қозголар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

9.4.8. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашибга, хужжатларни асосиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан жамият Бошқаруви фаолиятига тўскенилик қилишига ҳақли эмас.

9.4.9. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

## **9.5. Ички аудит хизмати**

9.5.1. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, Жамият Уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартибтаомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

9.5.2. Жамиятнинг ички аудит Хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга, Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда акциядорларининг Умумий йигилиши томонидан тасдиқланган “Ички аудит Хизмати тўгрисида”ги Низомига мувофиқ амалга оширади.

9.5.3. Ички аудит Хизмати ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

9.5.4. Ички аудит Хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва аудит қўмитасига ҳисобдордир.

## **9.6. Аудиторлик ташкилоти**

9.6.1. Аудиторлик ташкилоти – аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсdir.

9.6.2. Жамият ҳар йили йиллик молиявий ҳисоботини текшириш ва тасдиқлаш учун Жамият ёки унинг акциядорлари билан мулкий манфаатдорликда бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб қилиши шарт. Аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатдан келиб чиқсан ҳолда танлов асосида амалга оширилади. Жамият акцияларининг камидаги 5 фоизига эгалик қиласи акциядорлар жамиятнинг фаолиятини текшириш учун ташкилотни аудитни бошлаш хукуқига эга.

9.6.3. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

9.6.4. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

## **9.7. Корпоратив котиб**

9.7.1. Жамият кузатув кенгашига хисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини жамият корпоратив котиби бажаради.

9.7.2. Жамият корпоратив котибининг фаолияти Корпоратив бошқарув Кодекси ва жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган “Корпоратив котиб тўғрисида” низом асосида амалга оширилади.

## **X. Ҳисоб ва ҳисобот**

10.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисботот тақдим этиши шарт.

10.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишонччилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисботот ва бошқа молиявий ҳисботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият Бошқаруви зиммасида бўлади.

10.3. Жамиятнинг молиявий ҳисботида кўрсатилган ва акциядорларнинг Умумий йигилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар ҳисобварагидаги маълумотларнинг ишонччилиги мулкий манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан bogliq бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

10.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги йиллик ва чораклик ҳисботлари Бошқарув Раиси тайёрлайди.

10.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги йиллик ва чораклик ҳисботлари қонунчилик талабларига кўра тузилади.

10.6. Жамиятнинг йиллик ҳисботи акциядорларнинг йиллик Умумий йигилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

10.7. Жамият Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисботини у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида икки хафта олдин эълон қилиши шарт.

## **XI. Ҳужжатларни сақлаш**

### **11.1. Жамият:**

Жамиятнинг Уставини, Уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзgartиши ва қўшимчаларни, Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганини ҳақидаги гувоҳномани;

Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган хукуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни; акциядорларнинг Умумий йигилиши ва Жамиятнинг бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни; Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

Жамиятнинг йиллик ҳисботини; эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

акциялар эмиссияси рисоласини;

бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисботларни;

Жамият акциядорлари Умумий йигилишларининг, Кузатув кенгаши, ва Бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек Жамият Бошқарув Раисининг буйруқларини;

Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатларини;

Жамият акциядорларининг реестрларини;

Жамият аудиторлик ташкилотининг хulosалари ва хисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

Жамият қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

## **XII. Акциядорларга жамият ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятини бериш**

12.1. Жамият мазкур Уставининг 11.1.-моддасида назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия хисобига доир ҳужжатлар, Бошқарув мажлисларининг баённомалари, шунингдек Жамият Бошқарув раисининг буйруқлари ва Жамият акциядорларининг реестри мустасно.

12.2. Жамият акциядорнинг ёзма талабига кўра унга мазкур Уставда назарда тутилган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига тақдим этиши шарт.

Ҳақ микдори Жамият томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тайёрлаш харажатларининг қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан баглиқ харажатлардан ортиб кетмаслиги керак.

Жамият сўралаётган ҳужжатларни акциядорга электрон шаклда тақдим қилишга ҳақли.

12.3. Жамият акциядорнинг ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига кўра уч иш куни ичida уларга Жамиятнинг Устави, шу жумладан Уставга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт.

Жамият акциядорнинг талабига кўра унга Жамият Уставининг кўчирма нусхасини бериши шарт.

12.4. Акциядор (акциядорлар) йирик битимни ёки аффилланган шахс билан тутилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини судда кўриб чиқиш чогида жамиятдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқилаётган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно.

## **XIII. Жамият ва Жамиятнинг аффилланган шахслари тўғрисидаги ахборот**

13.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ўзи тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишни амалга ошириши шарт.

Агар Жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варагига киритилган фонд биржасининг расмий веб-сайтида жамият Уставининг матнини, шу жумладан унга доир ўзгартиш ва қўшимчаларни, шунингдек ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилиши шарт.

Жамият Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва жамиятнинг расмий веб-сайтида бошқа юридик шахсларнинг 5 ва ундан ортиқ foiz акцияларига (улушларига, пайларига) эгалик қилиши тўғрисидаги ахборотни эълон қилиши шарт. Бунда мазкур ахборот акциялар (улушлар, пайлар) олинган пайтдан эътиборан 72 соат ичida эълон қилиниши керак.

Фонд биржасининг расмий веб-сайтида ахборотнинг ошкор қилинганлиги Жамиятни қонунда назарда тутилган холларда давлат органларининг ёзма сўровига кўра ахборот тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

13.2. Жамиятнинг аффилланган шахси қонунчилик мувофиқ аффилланганлик асослари вужудга келган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай Жамиятни қимматли қозголар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўзининг аффилланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Агар аффилланган шахснинг айби билан кўрсатилган ахборот тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида Жамиятга мулкий зарар етказилган бўлса, аффилланган шахс Жамият олдида ўзи етказган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

13.3. Жамият ўзининг аффилланган шахслари ҳисобини юритиши ва улар тўғрисида қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳисобот тақдим этиши шарт. Жамият аффилланган шахслар рўйхатини қимматли қозголар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда ҳар йили эълон қилиши шарт.

#### **XIV. Жамият томонидан йирик битимлар тузиш**

14.1. Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан bogliq битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро bogланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга бериладётган мол-мулкнинг ёки olinayetgan мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортигини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қозголарни жойлаштириш билан bogliq бўлган битимлар бундан мустасно.

14.2. Йирик битим Жамият акциядорларининг Умумий йигилиши ёки Кузатув кенгashi ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин Жамиятнинг Бошқарув томонидан амалга оширилади.

14.3. Йирик битим тузиши тўғрисидаги қарор Конунга мувофиқ қабул қилинади.

14.4. Инсайдерлик маълумотларидан фойдаланган ҳолда битимларни тузиш тақиқланади.

#### **XV. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш**

15.1. Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур Жамиятга нисбатан аффилланган шахслар деб эътироф этилади.

15.2. Жамиятнинг аффилланган шахслари деб қонунчилик мувофиқ эътироф этилади.

15.3. Аффилланган шахс Жамият билан битим тузишида аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотлар бериши, ушбу шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиши ва аффилланган шахс билан тузилаётган битимни (битимларни) маъкуллаш ҳақида қарор қабул қилиш тартиблари, ҳамда аффилланган шахс билан битимлар тузишидаги истиснолар қонунчиликда белгиланади.

15.4. Агар аффилланган шахс билан тузилаётган битим айни бир вақтда йирик битим бўлса, битимни тузиш тартибига Конунчиликда белгиланган йирик битим тузишга доир қоидалар қўлланилади.

## **XVI. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш**

16.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

16.2. Жамият Умумий йигилиш қарорига ёки суднинг қарорига кўра тугатилиши мумкин.

16.3. Жамиятни тугатилиши қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

## **XVII. Якуний қоидалар**

17.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

17.2. Мазкур Уставда ўз аксини топмаган масалалар Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

17.3. Агар қонунчиликда мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар бўлса, қонунчилик қоидалари қўлланилади.

“Andijon biokimyo zavodi” A.I  
бошкабұйраның



Х.Т.Юлдашев